
ҚҮШТЕПА ТУМАН МАРКАЗИДАН 17 КМ УЗОҚЛИКДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Қүштепа туман марказидан 17 км узоқликда жойлашган Қумтепа МФЙ худудида Давлат хизматлари марказининг “Қумтепа” филиали иш бошлади. Бугунги кунга келиб вилоятимизда Давлат хизматлари марказлари филиаллари сони 12 тага етди.

Филиалнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, адлия бошқармаси мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Янги очилган филиал эндиликда “Қумтепа” МФЙ га қўшни бўлган “Янгидўкон”, “Эшонгузар”, “Нурафшон”, “Қийқи” маҳалла фуқаролар йиғинларининг 18 минг нафардан ортиқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади. Эътиборли жиҳати шундаки, ДХМ филиалида ҳам фуқаролар ва тадбиркорлар учун марказдаги каби 170 дан ортиқ хизматлардан тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Давлат хизматлари марказлари филиаллари айни кунларда жисмоний ва юридик шахсларга мобил давлат хизматларини кўрсатиши билан аҳамиятли. Худуд аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар бўйича ҳукуқий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилади.

Айтиш мумкинки, бугун давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги босқичга кўтарилиди. Халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, қулайлик яратиш ва шаффоффликни таъминлашга қаратилган давлат хизматларини кўрсатишнинг янгича тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-10 14:25:03